

**ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОН ШАХСЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ**

*Ilmiy rahbar: Inagamova Mafura Muxtarxanovna
Toshkent davlat transport universiteti dotsenti, (PhD), dotsent*

*Nuriddinova Karomat
Toshkent davlat transport texnikumi o'quvchisi*

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1992 йил 14 октябрда 47/3-сонли қарорига биноан «3-декабрь Халқаро ногиронлар куни» сифатида қабул қилиниб, бу кун халқаро байрам сифатида нишонланмоқда. Бу борадаги муҳим халқаро ҳужжатлардан бири, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2006 йил 13 декабрь кунидаги 61/106-сонли Резолюция билан қабул қилинган «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси ҳисобланади. Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан 2009 йил 27 февраль куни имзоланган ва 2021 йил 7 июнда ЎРҚ-695-сонли Қонун билан ратификация қилинган эди. Ушбу халқаро шартномада бугунги кунда 184 та давлат иштирок этади.

Конвенция 50 моддадан иборат бўлиб, унда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, жумладан уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланиш, етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган.

Конвенцияда қоидаларига риоя этилиши ва иштирок этувчи давлатларнинг мажбуриятларининг бажарилишини мувофиқлаштириш ва бунинг мониторингини амалга ошириш мақсадида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ташкил этилган.

Ўзбекистонда 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сонли Фармони, шунингдек, 2020 йил Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги ЎРҚ-641-сонли Қонуни қабул қилинган.

Конвенцияда иштирок этиш миллий қонунчиликни ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга ҳамда уларни халқаро норма ва стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат

қилади. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда тахминан бир миллиардга яқин ногиронлар истиқомат қилади. Шу сабабли бутун жаҳонда ногирон бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамisha давлатлар ҳимоясидадир.

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк давридаёқ ўз фуқароларининг жумладан, ногирон шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилишга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиб ижрога қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги ЎРҚ-641-сон Қонуни¹ ҳисобланади. Қонунда *ногиронлиги бўлган шахс* – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс деб таърифланган бўлса, *ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш* – ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан қафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими деб белгиланган.

Яна бир муҳим ҳужжат ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 февраль 2022 йилдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги² Фармони дир. Мазкур ҳужжатга кўра I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ва уларга ғамхўрлик қилувчи (йўлда кузатиб боровчи) бир нафар фуқаро учун давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан, шу жумладан давлат хизматлари марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасаларида фуқароларнинг бевосита ҳозирлигида (жойида) кўрсатиладиган хизматлардан навбатсиз фойдаланиш, давлат идоралари раҳбарлари (мансабдор шахслари)

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.02.2022 й., 06/22/74/0142-сон, 30.04.2022 й., 06/22/128/0369-сон

қабулига навбатсиз кириш бўйича имтиёз берилди. Шунингдек, 2023/2024 ўқув йилига қабул жараёнидан бошлаб қабул тартиби, тест синовлари тўғрисида абитуриентларга маълумот бериш учун тайёрланадиган материаллар ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматда бўлиши назоратга олинди.

Ногирон шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида яна бир алоҳида урғу бериб ўтиш лозим бўлган масала бу ногиронли нафақасидир. Алоҳида таъкидлаш лозимки, аввалги тартибдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ногиронлик нафақалари турларининг миқдорларида кескин фарқланиш мавжуд бўлган. Хусусан, болаликдан ногирон бўлган шахсларга 622 минг сўм миқдорида нафақа тўлаб берилган. Аммо, ҳаёт давомида ногирон бўлиб қолган шахсларга эса тайинланадиган нафақа миқдори 440 минг сўмга тенг бўлган.

Демак, *биринчидан*, бир ҳил гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёт давомида бир ҳил тўсқинликларга учрасада, уларнинг даромад келтирувчи фаолиятини юритиш имкониятлари бир ҳил чекланган ва соғлиғи ҳолатидан бир ҳил харажатлар талаб қилинсада уларга ҳар ҳил миқдорда нафақа тўлаб келинган. Эндиликда эса, ногирон бўлиб қолиши муддатидан қатъий назар, ногиронлиги бўлган шахсларга бир ҳил миқдорда 622 минг сўмга тенг нафақа тайинланиб борилади. Даслабки ҳисоб-китобларга асосан 49 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар учун нафақа 41 фоизга оширилди ва мазкур чорани амалга оширишга 2022 йилга қўшимча 81 миллиард сўм ажратилди; *иккинчидан*, тизимнинг ижтимоий адолатлилигини сақлаб қолиш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдоридан паст бўлган ногиронлик пенсиялари миқдори 622 минг сўмгача етказилади. Бунда, ногиронлик пенсиясини олувчи 133 минг шахсларнинг пенсия миқдори ўртача 29 фоизга ошади. Мазкур чорани амалга оширишга 2022 йилда қўшимча 140 млрд сўм Пенсия жамғармаси ҳисобидан ажратилди; *учинчидан*, доимий парваришга муҳтож бўлган 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларни парвариш қилувчи она(ота)ларга минимал истеъмол харажатлардан кам бўлмаган миқдорда (500 минг сўм) ногирон бола парвариши учун янги нафақа жорий этилди.

Мазкур нафақани жорий этишдан асосий мақсад доимий парваришга муҳтож ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оила аъзосини қўллаб-қувватлашдир. Ногиронлиги бўлган фарзанднинг парваришлаётган оналар даромад келтирувчи фаолиятини юритиш имкони бўлмайти ва шундан қилиб чиқиб бундай оилаларнинг ижтимоий хатарларга заифлиги ошиб боради. Янги нафақа жорий этилиши натижасида ногиронлиги бўлган болаларнинг парваришлаётган оналар кафолатланган базавий даромад манбаи билан таъминланадилар.

Ушбу фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб, *биринчидан*, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилди; *иккинчидан*, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида нафақа тўлови (парваришлаш нафақаси) жорий этилди; *учинчидан*, парваришлаш нафақаси Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланаиши белгиланди; *бешинчидан*, 2022 йил 1 апрелдан ўзгалар парваришига муҳтож болалар тўғрисидаги, 2022 йил 1 октябрдан ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон тақдим этиб борилмоқда.

Бундан ташқари Фармон билан шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхати (34 та) тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инсон қадр-қиммати, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар масалалари доимий диққат-эътиборда бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўсиқсиз муҳит яратиш, жамиятга интеграция қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг шу масала бўйича муҳим қарор ва фармонлари қабул қилингани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни умидсизлик ҳамда ишончсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётга интилишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, ҳар бир соҳанинг ривожланиши, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, аввало, қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда қонунчиликка муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу масала ҳуқуқий томондан тўлиқ камраб олинди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, илм ўрганиши, касб танлаши, ҳунар ўрганиш борасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш масаласида Меҳнат кодексига, Таълим тўғрисидаги қонунга янги меъёрлар киритилди.

Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодексига ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун, ижтимоий объектларга эмин-эркин кириб чиқиши

учун шароит яратиш масалалари кўзда тутилди. Биноларни куришда, лойиҳалаштиришда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланишини ҳисобга олиш алоҳида меъёр сифатида белгиланди.

Умуман айтганда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳуқуқий жиҳатдан шароит яратилди. Бу борада давлат ташкилотларининг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.